*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# ДЎСТЛИК ТАФТИ ҚУЁШДАН КУЧЛИ

(Боши 1-бетда)

— Жондан азиз ўзбек диёри иккинчи ватаним ҳисобланади, — дейди меҳнат фахрийси Надежда Китова. — Шу табаррук заминда бахтли ҳаёт кечираётганлигимдан бениҳоя мамнунман.

— Кекса авлод вакиллари ва ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш олий қадриятга айланган, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Зокир ака. — Пенсия ва нафақалар вақтида эгаларига етказилаяпти. Кекса авлод вакиллари давлат ҳимоясига олинган.

Ҳомий ташкилот — Бешкентдаги "Зафко ЛТД" қўшма корхонаси томонидан бир гуруҳ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Қарши шаҳридаги "Олтин калитча" болалар боғчаси тарбиячиларига совғалар топширилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида турли миллат вакиллари ягона оила фарзандларидек фаол иштирок этмоқдалар. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Сония Милдизидир. Ҳозирги пайтда нафақага чиқиб, бахтли кексалик гаштини сураётган кекса муаллима Косон шаҳрида таваллуд топган. Ўзбек диёрида вояга етди. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиб, кўп йиллар мобайнида Қарши давлат университетида ўқитувчилик қилди.

Яқинда марказ раҳбари Қарши шаҳрининг 3-митти туманида яшовчи Янгалишевлар хонадонига бориб, 80 ёшни қоралаган Ниязбек бобо билан обдон суҳбатбатлашди, кўнглини кўтарди.

— Гап совға-саломда эмас, — дейди узоқ йиллар мудофаа ишлари бўлимида хизмат қилган Ниязбек Янгалишев. — Худога шукр, фарзандларим Нурия ва Тимур ҳолимдан ҳамиша хабардор. Тўртта набира ва бешта чеварам бор. Бағри кенг қардошларим даврасида ўзимни ҳеч қачон ёлғиз сезмайман. Кўрсатилаётган меҳр-муҳаббат ва эътибордан кўнглим ором топади.

Қашқадарёликлар Қарши ва Китоб туманларида фаолият кўрсатган болалар суяк сил касалликлари санаторийси бош врачи, қўли енгил шифокор Лутфи ака Измайловнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Қалби дарё, бағри кенг инсон каттами-кичикми ҳамма билан бир хилда муомала қиларди. Туғилган юртига жўнаб кетганига чорак асрдан ошганига қарамасдан ҳамон у дўстлари даврасини тўлдириб тургандек.

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бошидан кечирган, татар халқининг улуғ шоири Муса Жалил билан Маобит концлагерида бир камерада яшаган, тинч қурилиш йилларида Қарши даштини ўзлаштиришга муносиб ҳисса қўшган табаррук отахон Ҳабиб Файзуллаев, чўлга сув чиқариб ҳаёт бағишлаган рус халқининг содиқ фарзанди Никита Власов, украин Иван Дуденколарнинг юзлаб шогирдлари бугунги кунда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Вилоят марказида умргузаронлик қилаётган Рамзия Сайфуллина, Элмира Егорова, Венера Турниёзова, Гатипа Абсалямова, Самад Багапов кабилар билан суҳбатлашганимизда ягона қардошлик оиласида тинч-тотув ва осойишта яшаётганликларидан мамнун эканликларини изҳор этишди.



— Ҳар бир миллат ўз маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятларини унутмаслиги, уни бойитиб бориши керак, — дейди миллий маданий марказ директори Р.Ихсанов. — Бундан беш йил муқаддам вужудга келган нодавлат, нотижорат ташкилотимиз татар-бошқирд халқларининг маданиятини ўрганиш, тарғиб қилиш, авлод-аждодлари яшаб ўтган қадимий юртлари билан алоқа ўрнатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширди.

Россия давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Муҳаммедшин, вилоят ҳокими Н.Зайниев ва мамлакатимизнинг таниқли кишилари билан ўтказилган учрашувларда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларни ўз юртидан фахрланиш, миллий истиқлол мафкураси ғоялари руҳида тарбиялаш хусусида фикр юритилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт" деб ёзиб қўйилган. Бош қомусимизда берилган имтиёзлар ва кафолатлар осуда ва фаровон ҳаётни таъминлаяпти.

Миришкор туманидаги Чандир қишлоғида хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий ва дўстлик алоқалари жамияти вилоят бўлими ташаббуси билан уюштирилган дўстлик кечаси ҳақиқий байрамга айланди. Унда воҳадаги араб, рус, татар-бошқирд миллий маданий марказлари, туркман ва тожик миллатларнинг вакиллари иштирок этдилар. Кечада сўзга чиққанлар миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувлик, осойишта ҳаётнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидладилар. Қарши санъат коллежида улуғ татар шоири Муса Жалил таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб, шеърият кечаси уюштирилди.

... Ўзининг 2700 йиллик шонли юбилейига тайёргарлик кўраётган қадимий ва навқирон Насаф кўчалари чароғон ва фараҳбахш. Мустақиллик майдонида осмондаги юлдузлар билан баҳслашиб минглаб чироқлар порлайди. Шаҳар бўйлаб сайрга чиққан татар халқининг вакили Мадина ва Рамзия момо, туркман Нурмамат Рустамов, араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Ҳайитбой Чўлиев, рус Людмила Васильева, украин аёли Рима Светличенко бахтиёр турмуш кечираётган ватанлари билан фахрланиб, шундай доруломон кунларга етказгани учун тақдирга шукроналар айтадилар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

# ШТАТЛАРНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛИШИ ТЎҒРИМИ?

**Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради**

***Савол: айрим мактаблар ҳозир 9 йиллик бўлиб қолмоқда ва улардаги лаборант штатлари қисқартирилмоқда. Тўлиқсиз ўрта таълим мактаби бўлганлиги сабабли лаборант штатларининг қисқартирилиши тўғрими?***

**О.ОМОНОВ,**
**Ғузор тумани**

**Жавоб:** лаборантлик лавозими тўлиқсиз ўрта таълим мактабларида 9 тадан 18 тага қадар синф бўлса 0,5 лавозим бирлиги;

19 тадан ва ундан ошиқ синфлар бўлса 1 лавозим ўрта умумтаълим муассасаларида эса 9 тадан 18 тага қадар синф бўлса 1 та лавозим;

19 тадан 28 тага қадар синф бўлса 1,5 лавозим,

29 тадан 39 тага қадар синф бўлса 2 лавозим,

40 ва ундан ошиқ синфлар бўлса 2,5 лаборант лавозим бирлиги берилади.

***Савол: 1.Менинг фарзандим 2005 йил сентябрдан Қирғизистон Республикаси Қизилқия гуманитар педагогика институтининг махсус сиртқи бўлимининг III курсида ўқимоқда. 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб мазкур институтда ўқиётганларнинг дипломлари нострификация қилинмайди, дейишмоқда. Шу масалага ойдинлик киритсангиз.***

***2.Педагогика билим юртининг бошланғич таълим факультетини тугатиб, ҳозирда педагогик стажи 4 йилдан ошган ҳолда ушбу олийгоҳнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлимида ўқиётганларнинг дипломлари ҳам нострификация қилинадими?***

***3.Шунингдек ушбу олийгоҳда сиртдан ўқиётганларнинг ўқиш даври учун иш жойидан ҳақ тўланадими?***

**А.КАРИМОВ,**
**Бешариқ тумани**

**Жавоб:** 1-2 Агар Қирғизистон Республикаси Қизилқия гуманитар педагогика институти (расман қонунан) Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг олий ўқув юртлари рўйхатига киритилган бўлиб, институт ёки университет мақоми берилган бўлса, Ўзбекистон фуқароси ундаги қайси факультетни битиришидан қатъи назар ҳамма дипломлар нострификация қилиниши шарт. Бироқ, ушбу институт давлат томонидан олий ўқув юрти деб тан олинмаган ҳамда олий ўқув юртлари рўйхатига киритилмаган ҳолда унга ҳеч қандай институт мақоми берилмаган бўлса, бу таълим муассасаси берган дипломлар нострификация қилинмайди.

3.Юқоридаги таълим муассасаларида таҳсил олаётганларнинг ўқиш даври учун иш жойидан ҳақ тўлаш назарда тутилмаган.

# БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯСИ

**Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради**

***Савол: боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**З.МЎМИНОВ,**
**Поп тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига асосан вафот этган шахснинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда пенсиянинг миқдори вафот этган шахснинг вафотидан олдинги ишлаган меҳнат стажининг давомийлиги ҳамда ўртача ойлик иш ҳақининг миқдорига боғлиқ бўлади. Шахснинг вафот этган вақтидаги ёшига қараб, қонунда белгиланган тартибда иш стажи талаб қилинади. Фуқаро қанча ёш бўлса, иш стажи шунча кам талаб қилинади. Масалан:

— 23 ёшга қадар — 2 йил;

— 23 ёшдан 26 ёшга қадар — 3 йил;

— 26 ёшдан 31 ёшга қадар — 5 йил;

— 31 ёшдан 36 ёшга қадар — 7 йил;

— 36 ёшдан 41 ёшга қадар — 9 йил;

— 41 ёшдан 46 ёшга қадар — 11 йил;

**БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**



— 46 ёшдан 51 ёшга қадар — 14 йил;

— 51 ёшдан 56 ёшга қадар — 17 йил;

— 56 ёшгача ва ундан ошганда — 20 йил;

Юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 27-моддасида иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши белгиланган. Бунга кўра тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун боқувчисининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Қонуннинг 26-моддасида пенсияларнинг таянч миқдорлари белгиланган. Бунга кўра оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида белгиланиши назарда тутилган.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда вафот этган шахснинг олдинги оиласидан ҳам меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари борлиги пенсия миқдорига таъсир кўрсатмайди. Чунки оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча оила аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади ҳамда оила аъзоларининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР

Навбаҳордаги Арабсарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Тўхтапўлат Каримов «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Чунки, у тайёрлаётган ҳолва, нишолда, новвот, парварда каби ўн хилга яқин маҳсулот хуштаъмлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

- Масаллиқ меъёрида бўлса, таом ширин ва сифатли бўлади, - дейди Тўхтапўлат Каримов, - Биз маҳсулот тайёрлаш жараёнида ана шунга жиддий эътибор берамиз.

Буюртмачилар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бу эса иш кўламини янада кенгайтириш, ишчиларнинг моддий шароитини яхшилаш имконини бермоқда. Уста қандолатпаз Наврўз байрамига атаб ширинликлар тайёрлашга киришди.

**(ЎзА)**

Мамлакатимизда йўловчилар ташишда темир йўл хизматининг салмоқли ўрни бор. Бунда темир йўл вагонларининг замонавийлиги ва техник созлиги алоҳида аҳамиятга эга.

- Бундан тўрт йил муқаддам эски депо базаси ўрнида бунёд этилган корхонамиз йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади, - дейди «Toshkent yo`lovchi vagonlarni ta`mirlash zavodi» очиқ акциядорлик жамиятининг янги техника ва технологиялар бўйича директори Авазхон Абдуллахўжаев. - Ўтган давр мобайнида мингдан зиёд йўловчи вагон таъмирланди. Илгари бу ишларнинг аксарияти катта маблағ эвазига бошқа давлатда амалга ошириларди.

## ВАГОНЛАР СИФАТЛИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Эндиликда заводимиз барча турдаги таъмирлаш ишларини бажариш имконини берадиган, уч юзга яқин замонавий асбоб-ускуна ва технологик линия билан жиҳозланган. Ўтган йили «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг «Халқаро почтамт» филиали ҳамда Мудофаа вазирлигига қарашли юзлаб вагонлар таъмирланди. Тожикистон Республикаси темир йўл компаниясининг 22 та йўловчи ташиш вагони ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, 552 та йўловчи вагонга техник хизмат кўрсатилди.

Заводда йўловчи вагонларни янгилаш ва тубдан таъмирлаш билан бир қаторда, улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёғочни қайта ишлаш цехида электропоезд вагонлари учун ўриндиқлар тайёрланаяпти. Айрим бутловчи қисмлар «Андижон механика заводи», «Ўзкабел» очиқ акциядорлик жамияти каби корхоналардан олинмоқда.



Кутубхона зиё маскани саналади. Аҳолининг ҳар жиҳатдан билим савиясини оширишда кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. Тўрткўл туман маданият ва спорт ишлари бирлашмасига қарашли марказлашган кутубхоналар тизимида бугунги кунда 34 та кутубхона тармоқлари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, марказий кутубхона, 2 та шаҳар, 2 та туман, 2 та болалар ва 26 та қишлоқ кутубхона тармоқлари аҳолига маданий ва маърифий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда туман марказлашган кутубхоналар тизимидаги кутубхоналар жами 321248 дона китоб жамғармасига эга.

— Китобхонларимизнинг аксари ёшлардан иборатлиги бизни мамнун қилмоқда, - дейди Тўрткўл туман марказий кутубхонаси ходими Роза Розумбетова. — Айниқса, уларнинг мумтоз адабиётимизга бўлган қизиқишлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

**Суратда: болалар бўлими кутубхоначиси Юлдуз Матчонова.**

**Б.АЛЛАШЕВ,**
**(ЎзА) олган сурат**

*Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистондаги жисмоний имконияти чекланганлар учун телекоммуникация маркази ташкил этиш лойиҳасига 33,5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.*

## САХОВАТ

*Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотига кўра, мазкур маблағ Ўзбекистон ҳудудида жисмоний имконияти чекланганлар учун ташкил этиладиган телекоммуникация марказларининг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилади. Шунингдек, бундай марказлар интернет тармоғига бепул уланади.*

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Учқўрғон туманидан йигирма нафар қиз тажрибали мураббийлардан зардўзлик сирларини ўрганадиган бўлди. Шундан сўнг улар уйда ишлаб, оилавий бюджетни кўпайтиришга ёрдам беради.***

Қизлар бу имкониятни туман маданият саройида ўтказилган меҳнат ярмаркасида қўлга киритишди. Ярмаркада корхоналар, ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари икки юздан ортиқ иш ўринларини таклиф этди. Натижада туманнинг 73 нафар фуқароси иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини имзолади.

***Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғи "Қиялик" маҳалласининг инфратузилмасини ривожлантиришда тадбиркор Ҳожибоевлар сулоласи муносиб ҳиссасини қўшмоқда.***

# ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Шаҳобиддин ҳожи ота Ҳожибоев бутун умри давомида эл-юрт хизматига камарбаста бўлди. Ҳалол меҳнати, жонкуярлиги ва ўктамлиги билан қишлоқдаги ёшу қарининг эътиборини қозонди. Фарзандлари ҳам ота изидан бориб тадбиркорлик билан каттаю кичикнинг назарига тушди. Халқимизнинг "Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди" деган мақоли худди шу оила ҳақида айтилгандек. Тадбиркорлар маҳаллада "Оқ тулпор" умумий овқатланиш шохобчаси, новвойхона, гўшт дўкончаси, ҳаммом, чойхона, тегирмон, музқаймоқ ишлаб чиқарадиган цех каби бир қанча савдо-ишлаб чиқариш иншоотларини барпо этишди.

*Қилмиш-қидирмиш*

# ТЕКИН ЛУҚМА ТЕШИБ ЧИҚАДИ

***Мамлакатимизда ҳалол ризқ излаётган тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга қўл ураётган сохта ишбилармонлар иқтисодиётга аралашиб қолаётгани ҳам бор гап.***

Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иқтисодиётни соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси томонидан ўтказилаётган текширишларда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган айрим хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тушган нақд пулларни банк муассасаларига вақтида топширилмаётганлиги маълум бўлди.

- Бир йил давомида 5 миллиард 2 миллион сўмдан ортиқ нақд пул ноқонуний тарзда банкдан ташқарида айланганлиги аниқланди, - дейди вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи Илҳом Неъматов. - Бунинг оқибатида қонунсиз хатти-ҳаракатлар содир этган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга нисбатан 100502400 сўм молиявий жарима солиниб, бюджетга ўтказилди.

Давлатимиз тадбиркорлик фаолияти тараққиёти учун барча қулайликлар яратиб берган. Хусусий мулк эгалари меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидалар асосида иш олиб боришлари талаб этилади, холос.

Бироқ, Шаҳрисабз туманидаги "Фазо" жамоа корхонаси раҳбари И. Жўраев ўтган ярим йил ичида 171 миллион 189 минг сўмлик харидоргир озиқ-овқат маҳсулотларини пул кўчириш йўли билан сотиб олиб, атиги 21 миллион 100 минг сўм миқдоридаги маблағни назорат-касса машинасига кирим қилиб, банкка топширган. Савдодан тушган 150 миллион 89 минг сўм нақд пулни эса назорат-касса машинасидан ўтказмаган.

Қонунсиз иш — келтирар ташвиш, деганларидек Шаҳрисабз туманидаги "Туркий замин" савдо фирмасида ҳам худди юқоридагидек аҳвол содир этилган. Фирма раҳбари Р.Исмоиловнинг эътиборсизлиги туфайли маблағ ўтказиш йўли билан 79154000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиниб, савдодан тушган нақд пулларнинг 2000365 сўми назорат-касса машинасидан ўтказилиб банкка топширилган, холос. Қонун талабларига зид равишда савдо-сотиқ ишларини амалга оширган фирма бошлиғи хатти-ҳаракатлари учун тегишли жазосини олди.

Президентимизнинг "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси билан танишилганида Қарши шаҳридаги "Жовза" корхонасида солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя қилинмаётганлиги аён бўлди. Корхонага нисбатан 281,9 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланди.

Вилоятдаги "Ғалаба", "Братсклес" қўшма корхоналари, "Жасур Малик" корхонаси молиявий хўжалик фаолиятида катта камчиликларга йўл қўйилганлиги учун бир неча юз минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, давлат бюджетига ундириб олинди.

Амалга оширилган тадбирлар давомида чет эл валютасини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ 27 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарликлардан 13412 АҚШ доллари, 26500 Россия рубли олиб қўйилди ва давлат ихтиёрига ўтказилди.

Айрим валюта айирбошлаш шохобчаларида фуқаролар номига қонунсиз расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида олинган пуллар валютафурушлар қўлига тушиб қолаётганлигини асло кечириб бўлмайди. "Пахта банк"нинг Миришкор туман бўлими валюта айирбошлаш шохобчаси бош назоратчиси Н.Нуриллаев ва касса мудираси М.Рўзиеваларнинг ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлардан қайтишмаганлиги яқинда фош этилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан тасдиқланган "Айирбошлаш шохобчаси тўғрисида"ги Низом талабларига амал қилмасдан 2004-2005 йиллар мобайнида бир неча фуқаронинг ишончига кириб, "чув" туширишган.

Зиммасидаги масъулиятни унутган боқибеғам ходимлар фуқароларнинг паспортларини сўраб олиб, белгиланган тартибда банк маълумотларига қалбаки ёзувлар киритишиб, кишиларнинг имзоларини сохталаштириш йўли билан хазинадан 153100 АҚШ долларини олиб "Қора бозор"га муомалага киритишган. Бундан ташқари, улар яшаш манзили ноаниқ 52 нафар номаълум фуқаро номига ҳам қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, 260400 АҚШ долларини сотиб юборишган.

Текшириш жараёнида Н.Нуриллаев ва М.Рўзиевалар ўзларининг қонунга зид ҳаракатлари билан банк хазинасидаги 413500 АҚШ долларини "гум" қилишгани аниқланди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Қонунсиз иш ҳар доим ҳам ташвиш келтиради. Иқтисодиётимиз равнақига тўсиқ бўлаётган қонун бузилишларига барҳам берилгандагина муваффақиятга эришиш мумкинлигини эса бу соҳадан озгина хабари бор инсон яхши билади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 17 мартдан синфи ўзгартирилган ҳолда қуйидаги объектлар қўйилишини маълум қиламиз.

*1 синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайиш тартиби қўлланиладиган объектлар*

1.Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (16-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 22952,7 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси — 10328,72 АҚШ доллари.**

2.Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Сайроб шаҳарчаси, Чилонзор кўчаси 5/5 манзилида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси.

**Бошланғич баҳоси — 17978 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси — 8090,10 АҚШ доллари.**

**Изоҳ:** Мазкур АЁҚШлар бўйича тўловлар АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес.Марказий Банкининг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28, Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz**

**Эслатма** *РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

